



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 9 апрель, чоршанба

№29 (11.520)

Эркин нархда сотилади



Evropa

ХАЛҚАРО
АЛОҚАЛАР
РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистоннинг жаҳон
хўжалик тизимига интег-
рациясини турли халқаро
молиявий ташкилотлар
билан ҳамкорликсиз
таъсир қилиб бўлмайди.

Бундай ҳамкорлик кре-
дитлар олиш, тўғридан-тўғри
инвестицияларни жалб этиш,
жаҳон бозорига маҳсулот
олиб чиқишга хизмат қила-
ди. Бу каби ташкилотлардан
бири Европа тикланиш ва та-
раққиёт банки (ЕТБ) ҳисоб-
ланиб, у мамлакатимиз таш-
қиқ иқтисодий стратегиясини
амалга оширишда муҳим
ўрин тутайди.

Бугунги кунда Ўзбеки-
стонда ЕТБ иштирокида умум-
ий қиймати 1,4 миллиард
АҚШ долларига тенг 20 та
лойиха амалга оширилган.
Бундан ташқари, ҳозирги
вақтда микромоялаш, пай-
вандлаш электродлари иш-
лаб чиқариш, сув ва иссиқ-
лик таъминоти тизимини та-
комиллаштириш, телекомму-
никация тармоғини реструк-
туризация қилиш бўйича
лойихалар ишлаб чиқилмоқ-
да. Таъкидлаш жоизки, би-
ринчи лойиҳанинг амалга
оширилиши республикамиз-
да Ташқи иқтисодий фаоли-
ят миллий банки томонидан
1993 йилда Савдога қўмак-
лаштириш дастури доирасида
бошланган эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбеки-
стон Миллий банки томони-
дан ЕТБ билан ҳамкорлик-
да умумий қиймати қарийб
325 миллион АҚШ долла-
рига тенг 9 та лойиха амал-
га оширилмоқда. Бу маблаг-
лар, асосан, кичик ва ўрта
бизнесни қўллаб-қувватлаш,
тайёр маҳсулот ишлаб чи-
қариш ва сотиш, мамлака-
тимиз банкларининг озиқ-
овқат, нефть ва газ сектор-
лари, стратегик товарлар,
саноат, тиббиёт ускуналари
ва бутловчи қисмлар экс-
порт-импортга йўналтирил-
моқда.

4-5 май кунлари Тош-
кентда ЕТБ Бошқарувчилар
кеңашининг XII йиллик йи-
гилиши ўтказилиши жаҳон
банк ҳамжамияти томонидан
республикада амалга оши-
рилаётган тузилмавий ўзга-
ришларнинг юқори баҳола-
нишидан далолат беради.
Бутун Ўзбекистон учун ўта
муҳим ушбу воқеа бой са-
лоҳиятимизни кўрсатиш им-
конияти билан бирга мам-
лакатимиз нуфузининг ор-
тиши ва унга бўлган ишон-
чининг мустаҳкамланишига
хизмат қилади, иқтисодиёт-
да қўшимча хорижий ин-
вестицияларни жалб этиш им-
кониятини яратди.

Ж.РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигида
республика Президенти-
нинг «Қишлоқ хўжалигида
ислохотларни чуқурлаш-
тиришнинг энг муҳим
йўналишлари тўғрисида»ги
Фармониининг ижросига
бағишланган давра суҳба-
ти бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимли-
гининг бошқарма ва бўлим-
лари раҳбарлари, туманлар
ҳокимлари ва уларнинг иқти-
сод масалалари бўйича ўрин-
босарлари, туманлар қишлоқ
ва сув хўжалиги бошқарма-
лари, деҳқон ва фермер
хўжалиқлари уюшмалари ва-
киллари, ширкат хўжалиқла-
ри, шунингдек, бошқа тегиш-
ли ташкилотларнинг раҳбар

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҲАҚИДА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

ва мутахассислари иштирок
эти.

Давра суҳбатини вилоят
ҳокими Умнат Мирзакулов
бошқарди.

Республика Бозор исло-
хотлари илмий-тадқиқот ин-
ститути директори Расулмат
Хусанов Фармоннинг мазму-
ни ва ундан келиб чиқадиган
вазифаларни шарҳлаб бер-
ди.

Фармоннинг моҳияти
шундаки, унда ислохотларни
янада жадаллаштириш ва
чуқурлаштиришга ҳалал бе-

раётган муаммоларни ҳал
этишнинг энг мақбул йўл-
йўриқлари кўрсатиб берил-
ган. Асосий эътибор қишлоқ
хўжалигидаги ишлаб чиқариш
муносабатларини бозор
иқтисодиётига мослаштириш-
га қаратилган. Тармоқда шун-
дай тартиб қарор топиши
кераки, бевосита маҳсулот
етиштирувчилар устувор мав-
кега эга бўлсин. Тайёрлов,
қайта ишлаш, хизмат кўрсат-
иш ва таъминот ташкилот-
лари ҳамкорлик қилсин.

Бунинг учун, аввало, буй-

руқ, кўрсатма, топшириқ бе-
ришлар, ишларга ҳудда-беҳу-
да аралаштишларга барҳам
берилиб, қонун устуворлиги
таъминланиши зарур. Бош-
қача қилиб айтганда, маҳсу-
лот етиштирувчилар билан ту-
зиладиган ташқи шартнома
ҳамда хўжалик бошқаруви
билан пудратчилар ўртасида
тузиладиган ички шартнома-
лар мукамал бўлиб, унинг
шартларини сўзсиз бажариш
қоида тусига кириши лозим.

Ҳозир ширкат ва фермер
хўжалиқлари фаолиятининг

намунавий низомлари ишлаб
чиқилмоқда. Унда қишлоқ
хўжалик маҳсулотларини тай-
ёрлаш, қайта ишлаш,
шунингдек, тармоққа хизмат
кўрсатиш билан шуғулланув-
чи барча ташкилотлар маҳ-
сулот етиштирувчининг
ҳақиқий ҳамқори ва шериги-
га айланишига алоҳида эъти-
бор қаратилмоқда.

Давра суҳбати қатнашчи-
лари транш пуллари тасар-
руф этишдаги нуқулаллик-
лар, пахтакор хўжалиқларда
пудратчилар меҳнатига ҳақ
тўлашдаги номуносивблик-
лар, дастлаб тузилган майда
фермерлар фаолиятини таш-
кил этиш билан боғлиқ са-
волларга тегишли жавоблар
олдилар. Шунингдек, тез
орада ҳар бир туман ва хўжа-
лиқларда ҳам шундай давра
суҳбатларини ўтказишга ке-
лишиб олинди.

Ғавқулодда вазиятлар хизмати:

КЎЧБУЛОҚДА МАШҒУЛОТЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7
мартда «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш
ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган
чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда давлат бошқаруви идорала-
ри, маҳаллий ҳокимликлар ва Ғав-
қулодда вазиятлар хизмати ходимла-
рининг қўллами тоқини ва сел
оқимларини ҳавф-хатарсиз ўтказиб
юбориш, кўчкиларнинг олдини олиш
ва аҳоли манзиллари, ишлаб чи-
қариш ва коммуникация иншоотла-
рини ишончли ҳимоялаш йўл-йўри-
қлари белгилаб берилган эди. Вило-
ят ҳокими ҳам шу йилнинг
17 март кунини шу масала ҳу-
сусида маҳсус қарор қабул
қилди.

Ўлкамизда кунлар исиб,
кучли ёғингарчиликлар бот-
бот такрорланиб турганлиги
тоғларда эрувгарчиликни ку-
чайтириб, сой ва дарёларда
сув оқими кучайишига олиб
келмоқда. Табиийки, бу ҳол
вилоятимизнинг тоғли ҳудуд-
ларида Ғавқулодда вазият-
лар юзага келиш хавфини ку-
чайтираётди.

Шу сабаб одамларнинг
турар-жойларини, ишлаб чи-
қариш ва коммуникация ин-
шоотларини, йўللари,
кўприклар ва электр линия-
ларини зиён-заҳматсиз сақ-
лаб қолиш тобора долзарб
тус олмақда. Биз табиий
офатларни бартараф этишга
ҳамиша тайёр туришимиз,
бутун куч ва ташкилотчилик



қинлари ҳолатида иншоот-
ларни ва одамларни ҳимоя-
лаш, Ғавқулодда вазиятлар-
да кутқарув ишларини таш-
кил этиш ва амалга ошириш,
дастлабки ёрдам кўрсатиш
кўникмаларини ошириб бо-
раётганликларини намоён
этишди. Алоқа ва хабар бе-
риш хизмати фаолиятига ҳам
катта эътибор қаратилди.

Маҳсус-амалий машқлар-
да Ўзбекистон Республика-
си Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Исмоил Жўра-
беков иштирок этди.

Ўз мухбири-
миз.

СУРАТЛАРДА: маҳсус-так-
тик машқлар жараёндаридан
лавҳалар.

Суратларни
Даврон АҲМАД олган.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ҲАМКОРЛАРДАН МАМНУН

Иккиламчи металл парчалари ва чиқиндиларини ҳар
қаерда учратиш мумкин. Корхоналарда ҳам алдакчан
эскирган асбоб-ускуна, шундан чиққан қишлоқ хўжалик
техникаси анча йиғилиб қолган. Бугун уларни тузлаб
қайта ишлашга топширган ютқазмайди. «Ўзметком-
бинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бундай
хомашё харид нархини яна ўн фоизга оширди.

Ушбу маълумотлар қора
ва рангли металллар парча-
лари ҳамда чиқиндиларини
тайёрлаш, қайта ишлашга
топширишни назорат қилиш
ва мувофиқлаштириш бўйича
республика комиссиясининг
беқобода бўлиб ўтган
йиғилишида келтирилди.

«Ўзметкомбинат»ни хомашё
билан таъминлашнинг январь-
март ойлари якунларига
бағишланган мазкур йи-
ғилишда тегишли вазирлик-
лар, идора, уюшма, ҳудудий
бошқарув органлари, икки-
ламчи металл хомашёси
йиғиши ва топшириш билан

шуғулланувчи бошқа ташки-
лотлар раҳбарлари иштирок
эти.

Йиғилишни Ўзбекистон
Президентининг Давлат мас-
лаҳатчиси И. Жўрабеков
бошқарди.

Беқобод металлурлари
ўз ҳамкорларидан йилнинг
ўтган уч ойи мобайнида ре-
жадагидан салкам тўрт ярим
минг тонна кўп иккиламчи
металл хомашёси қабул
қилиб олди. Бу эса мамла-
кат иқтисодиётида катта
аҳамият касб этувчи корхо-
нанинг барқарор ишлаши

ни таъминламоқда. Январь-
март ойлари давомида бу
ерда 116,9 минг тонна пўлат
эритилди, истеъмолчиларга
106,3 минг тонна тайёр
металл прокат этикизиб бе-
рилди. Айни чоғда республи-
лика халқ хўжалиги эҳтиёж-
лари учун қурилиш армату-
ралари, кон-металлургия са-
ноатида ишлатиладиган
пўлат зўлдирилари четдан
келтиришга буткул барҳам
берилди. Аксинча бундай
маҳсулотларни четга чиқар-
иш, валюта заҳираларини
иқтисод қилиш имконияти

кенгайди. Корхона январь-
март ойларида хорижий ис-
теъмолчиларга 8,9 милли-
он АҚШ долларини микдори-
да маҳсулот экспорт қилиш-
га эришди. Бу кўзда тутил-
ганидан салкам икки бара-
вар кўп демакдир.

«Ўзметкомбинат»ни йил-
нинг биринчи чорағида ик-
киламчи металл хомашёси
билан таъминлаш борасида-
ги ҳукумат топшириғи мам-
лакатимизнинг деярли бар-
ча ҳудудларида олтига би-
лан адо этилди. Қорақалпо-
ғистон Республикаси, Тош-
кент шаҳри, Тошкент, Фар-
ғона вилоятларида бу иш,
айниқса намунали ташкил
этилмоқда. Шу муносабат
билан бундай хомашёни
йиғиш, қайта ишлашга топ-
шириш билан шуғулланув-
чи корхона ва ташкилотлар-
га, тадбиркорларга миннат-
дорчилик билдирилди. Шу
йилнинг биринчи апрелига
қадар юз минг тоннага яқин

хомашё заҳира қилиб қўйил-
ди.

Комиссия йиғилишида
иккиламчи металл хомашё-
си йиғиш ва қайта ишлашга
топшириш борасидаги умум-
ий аҳвол қониклари деб
топилиди. Айни пайтда бу бо-
рада сурьатни асло бушаш-
тирмаслик, ишлаб чиқилган
жадвалга қатъий риоя этиш
таъсия этилди. «Ўзметком-
бинат» раҳбариятига эса
хомашё харид нархини мут-
тасил такомиллаштириб бо-
риш, ҳақ тўлаш тарифлари-
ни ҳар бир ҳудуднинг икки-
ламчи металл хомашёси йи-
ғиш ва қайта ишлашга топ-
шириш бўйича мавжуд
шарт-шароити ва имконият-
ларидан келиб чиққан ҳолда
қайта кўриб чиқиш лозим-
лиги ўқтирилди.

Йиғилишда Тошкент ви-
лояти ҳокими У. Мирзакулов
иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ

ҳаёти



САВДО ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ

Янгийўл шаҳридаги «Мадина» ресторани биносида
вилоятимизнинг халқ истеъмол моллари ишлаб
чиқарувчи корхоналарнинг улгуржи-чакана савдо
ярмаркаси очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб
ўтди.

Уни шаҳар ҳокими З.
Файзуллаев қисқача ки-
риш сўзи билан очди.
Бир ҳафта давом эта-
диган вилоят улгуржи-
савдо ярмаркасида йирик
савдо корхоналаридан
ташқари «Маҳаллий са-
ноат», «Ўзбекангилсано-
ат», «Ўзбекчармполаб-
зал», «Ўзбекипак» рес-
публика уюшмалари, шу-

нингдек, барча озиқ-ов-
қат савдо корхоналари ва
хусусий фирмалари ҳам
ўз маҳсулотларини на-
мойиш этмоқда.

Ярмарканинг очилиш
маросимида вилоят ҳоки-
мининг ўринбосари А.
Йўлдошев сўзга чиқди.

Аҳмаджон
РИХСИБОВ.

ВАТАН ТАРИХИ МУҚАДДАС

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси
билан бошланган «Аждодлар мероси ва бой тарихи-
миз — буюклик рамзи» номи остидаги кўрик-
танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда
худудий танловларда ғолиб бўлган ўқувчи ёшлардан
иборат жамоалар иштирок этди.

Вилоят босқичи 3 та
шарт асосида ўтди.
Кўрик-танловнинг бар-
ча шартларида ўзлари-
нинг ҳақиқий билимдон
эканиликларини намоён
этиш олдига беқободлик
ёшлар жамоаси ғолиб-

лики қўлга киритди ва
республика босқичида
вилоятимиз шарафини
ҳимоя қиладиган бўлди.
Ғолиб ва иштирокчи-
ларга эсдалик совғалари
топширилди.

Амирқул КАРИМОВ.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ТАНЛОВИ

Ёшларимиз маънавий баркамол инсон бўлиб қамол
топишларида ҳуқуқий саводхонлик даражасини
оширишнинг аҳамияти катта.

Шу боис вилоятимиз
шаҳар ва туманларида
ўқувчи-ёшлар ўртасида
«Сиз қонунни биласиз-
ми?» мавзuida баҳо-
мунозаралар ўтказил-
моқда.

Ушбу мавзудаги
навбатдаги тадбир
Чиноз туманида бўлиб
ўтди. Дастлаб мактаб-
ларнинг юқори синф
ўқувчиларидан билим-
донлар сараланган
бўлса, 1-умумтаълим

мактабида туман миқё-
сидаги ғолиблар аниқ-
ланди.
Унда туман ҳуқуқни
муҳофаза этувчи идора-
лари, халқ таълими
бўлими, «Қамолот»
ёшлар ижтимоий
ҳаракати туман кеңа-
шанининг вакиллари
иштирок этиб, вилоят
босқичида қатнашувчи
жамоа таркибини
аниқлашди.

Ўз мухбири-
миз.

ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ангрэн шаҳри хотин-қизлар қўмитаси «Соғлом
авлод учун» жамғармаси билан биргаликда «Чот-
қол» қаҳвахонасида тадбир ўтказди.

Унда кўп болали, кам
таъминланган оилалар
фарзандлари ҳамда бо-
қувчисини йўқотган бола-
лардан 120 нафарига
дастурхон ёзилиб, мада-
ний ҳордиқ чиқаришла-
ри учун шароит яратил-
ди. «Маҳалла» хайрия

жамғармаси ҳажжи бола-
қайларга турли ўйинчоқ-
лар жамланмасини тар-
қатди.
Шундай хайрли иш
Қизил Ярим ой жамияти
шаҳар бўлими томонидан
ҳам амалга оширилди.

Ўз мухбири-
миз.

ЯНГИ ТАШАББУС

Куйичирчиқ тумани вояга етмагандар билан ишлаш
комиссияси ўз ишида самарали натижаларга
эришиш мақсадида янги ташаббус билан иш олиб
бормоқда.

Комиссия аъзолари
жойларда ўсмирлар
билан ўтказиладиган
турли мавзулардаги
ўқрашувлар ва тадбир-
лар билангина чекланиб
қолмасдан, бевосита
жиноят кўчасига кириб
қолган ва жиноят содир
этишга майли бор ўсмир
ёшлар билан юзма-юз
ўқрашмоқдалар, улар-
нинг оилавий шарт-
шароитлари, жиноят
содир этишга мажбур

қилаётган сабабларни
ўрганиб, ёрдам қўллари-
ни чўзмоқдалар.
Комиссия ана шундай
оилалар ва ўсмирларга
моддий ва маънавий
томондан қўмақлашмоқ-
да.

Шу кунга қадар ўн
нафардан зиёд ўсмир
билан учрашиб, улар-
нинг муаммолари ҳал
этилди.

Ўз мухбири-
миз.

ВИЛОЯТ

ҳаёти



Биз ва жаҳон МЕРОСНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

Араб оламида машҳур «Ал-Файсал» ойлик жўрнали ўз саҳифаларида Тошкент Давлат шарк-шунослик институти ўқитувчилари Мухаммад ал-Бухорий ва А. Абдулаттаровнинг «Ўзбекистон меросини қайта тиклаш: кеча ва бугун» сарлавхали мақоласини чоп этди.

Мақоладан Ўзбекистоннинг меъморий обидалари ва буюк аждодларимизнинг қўлземи асарлари суратлари билан бирга сўнги ўн йил давомида шарқшунос олимларимизнинг халқимиз бой маънавий меросини ўрганиш соҳасида олиб борган аҳамиятга молик ишлари тўғрисида муфассал маълумотлар жўп олган.

Мақола муаллифлари тадқиқотчиларнинг мамлакатимиз мустақиллигидан илгариги ва ундан сўнгги фаолиятини қиёсий таққослаш билан бирга, ҳозирги пайтда илмий изланишлар учун яратилган муносиб шарт-шароитларни қайд этган. Айни пайтда асосий эътибор мамлакатимизнинг етакчи олимларидан иборат бўлган гуруҳнинг нашрга тайёрланган кўп жилдли библиографик «Шарқ қўлёзмалари каталоги»га қаратилган. Ушбу каталог аждодларимизнинг араб, форс ва турк тилларида таъриф этилган ва республика музей ва илмий марказларининг китоб хазиналарида сақланаётган кўплаб асарларнинг ўзида мужассам этган.

«Жаҳон» АА.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилоят кўмитаси «Обод маҳалла йили» давлат дастурини бажариш жараёнида касаба ташкилотлари иштирокини фаоллаштириш масаласини кўриб чиқди.

Маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда тармоқда самарали ишлаб, нафақага чиққан меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларни оталиққа олиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиб боришга қарор қилинди. Бошланғич касаба ташкилотлари ҳисобида бугун 1823 ишлайдиган пенсионер борлиги эътиборга олинса, бу ишлар кўлами ойдинлашади.

Айни пайтда мамлакат касаба уюшмалари санаторийла-

рига йўлланмаларнинг 5 фоизини уруш ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш мақсадларига ажратиш белгилаб қўйилди. Тиббий ёрдамга муҳтож нафақахўрларга доридормонлар ажратилиб, уларни касалхоналарда даволатиш ташкил этилаётир. Меҳнат ноғиронларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Ёлғиз қарияларни газеталарга бепул обуна қилиш чоралари кўриляпти.

Касаба уюшмалари ҳаёти

«ЯНГИ АСРДА — ЖАРОҲАТЛАР ВА ФАЛОКАТЛАРСИЗ»

Вилоятимизнинг металлургия ва машинасозлик корхоналарида юқоридаги шпор остида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тадбирлари кенг қўлғоч ёяпти. Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилоят кўмитаси бу ҳаракатнинг ўтган йили якунларини кўриб чиқди.

«Элерем» корхонаси меҳнат жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Чирчидаги «Трансформатор» акциядорлик жамиятининг трансформатор цехи лойиқ деб топилди. Шунингдек, ўз тоифаси бўйича

«Тошкенткиккаламчикораметалл» корхонасининг алоҳида цехи ҳам биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Тадқиқланганларга дипломлар ва пул мукофотлари топширилди.

«Бир ўлкаки...»

Бадиий академия марказий кўرғазмалар залида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли рассом М.Тошмуродов ва ҳайкалтарош Т.Эсонов асарлари асосида очилган кўрғазма ана шундай номланди. Унда мажкур икки ижодкорнинг бир юз элликка яқин асари намоиш этилмоқда.

Мамлакатимиз ва хорижда кўплаб ижодий кўрғазмалари ташкил этилган, асарлари юртимиздаги ҳамда бир қанча хорижий давлатлар музейларида сақланаётган М.Тошмуродов ва Т.Эсонов ижодининг ўз ўрни бор.

Навоий вилоятининг Нурута туманида тутилиб ўсган ҳайкалтарош Т.Эсонов ўз асарларини яратишда, асо-

сан, Ғозгон мармаридан фойдаланади. Буюк ипак йўли манзаралари акс этган Самарқанддаги Регистон майдонига ўрнатилган «Карвон», Улугбек мадрасаси ҳовлисидаги «Шарқ алломалари» композицияси ижодкорнинг тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига эҳтиромидан нишондир.

М.Тошмуродов ижодида



табиат манзаралари муҳим ўрин тутди. Унинг Қашқадарё қишлоқлари манзаралари тасвирланган асарлар туркуми нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам томошабинлар эътиборига тушган.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

«КИА ДЭЧИК» ПАРКЕНТДА

Кореянинг Киа Дэчик мурувват ташкилотининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маркази икки йил олдин Паркент туманидан 26 гектар ташлан-дик ерни олиб, ўзлаштирган эди.

Ҳозир бу ерда болаларни ўқитиш учун янги ўқув маркази ташкил этди. Фермерлик билан шуғулланаётган туман аҳлининг фарзандлари қишлоқ хўжалигида янги технологиялар билан ишлаш бўйича тахсил оладилар.

— Ушбу марказимиз ҳар йили 20-25 нафар ёшларга компьютер сабоқларини ўргатади. Хорижда рўй бераётган қишлоқ хўжалиги янгиликларидан

бохабар қилиб туради. Яна бир тарафи шундаки, бу ёшлар ўзимиз учун ажратилган ерларда янги технологияларни қўллашни ҳам ўрганади, — дейди Киа Дэчик мурувват ташкилотининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маркази директори Чонг Сонг Хюк.

Шу марказнинг расмий очилиш маросимида халқаро Киа Дэчик ташкилотининг президенти Йонг Нам Юнк иштирок этиб, у ердаги шарт-шароит билан танишди.

СУРАТЛАРДА: ўқув марказининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган суратлар.



Вилоят ҳоқими қарори қандай бажарилмоқда?

Янгийўл бир пайтлари вилоятимизнинг йирик ва бетакор маданият маркази даражасига кўтарилганлигини ҳали-ҳануз яхши эслаймиз. Кейинчалик республика микёсида ном қозongan халқ артистларидан Фароғат Рахматова, Халима Носирова, Комилжон Отаниёзов, Очилхон Отахонов, Саттор Ярашев, Олмахон Хайитова ва бошқа ўнлаб атоқли санъаткорлар шу шаҳарда барпо этилиб, бутун ортда довору қозонган вилоят театрида ўз истеъдодларини сайқаллашган.

Ана шу аъёна мустақиллик йилларида қандай янги йўналишлар касб этмоқда? Маданият ишлари қай даражада ривож толяпти? Устозлар ёққан машъала янгица ёлқинланиб, янги авлод қамолотига қанчалик хизмат қилаяпти?

Шу каби саволларга жавоб излаб, Янгийўл шаҳрида маданият ишларига қаратаётган эътибор, соҳадаги бугунги аҳвол билан танишдик.

— Шахримизда ўн та бадиий-ижодий жамоа фаол иш олиб бормоқда, — дейди маданият ишлари бўлимининг мудири Зарифа Мухиддинова. — Хаваскорлик театри, «Янгийўл» халқ дастаси, «Сўғдиёна», «Ширин», «Ёшлик», «Нур» дасталарининг куй-қўшиқлари, шўх-шодон рақслари минглаб санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда. Умуман, бу жамоаларимиз бугун 200 га яқин хаваскор санъаткорларни бирлаштириб турибди. Учта маданият уйи, «Навоий гушани» маданият ва истироҳат боғи, болалар мусиқа мактаби, 11 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Янгийўлда халқ сайллари, театрлаштирилган томошалар уюштириш яхши аъёнага айланган. Санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар, шеърхонлик кечалари, китобхонлар конферен-

цияларида катта-кичик ҳамisha алоҳида қизиқиш ва иштиёқ билан қатнашади. Санъат ва маданият тадбирлари воситасида миллий истиклол гоёлари ва қадриятларни тарғиб қилишга кенг ўрин берилмоқда.

— Шаҳар ҳокимлиги маданий мерос намуналарини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — сўзида давом этди суҳбатдошимиз. — Жумладан, маданият уйининг ташки кўриниши шарқона услубда таъмирдан чиқарибди. Марказий кутубхона учун янги бино қурилди. «Навоий гушани» маданият ва истироҳат боғи замонавий-шарқона услубда қайта таъмирлангач, мутлақо янги қиёфа ва тароват касб этди. Бу ишга 50 миллион сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмда қурилиш-тиклаш ишлари бажарибди.

Маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техника заминини мустаҳкамлаш, уларни пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида театрлаштирилган томошалар тайёрланиб, намоиш этиш тажрибаси тобора кенгаймоқда. Натижада 208 минг сўм маблағ жамғарибди. Ҳозирда концертлардан 450 минг сўм маблағ тўпланди. Улардан ходимларни рағбатлантириш учун фойдаланилаётир.

Лекин шаҳарда санъат ва маданият юксалтириш соҳасида эришилаёт-

ган ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, хаваскорлик жамоалари, айниқса, фольклор-этнография гуруҳларининг техник базаси қониқарли даражада эмас. Тўғри, бу мақсадларга ҳомиёларнинг маблағлари жалб этиляпти. Хусусан, «Заррин япроқлар» халқ фоль-

Хозирга келиб, 400 нафарга етган жамоа аъзолари биринчи навбатда намат-полос ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Кейинчалик тафтинг тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Дастлаб бозорга етказиб берилётган бундай махсулотлар ҳажми ойига йигирма минг квадрат метрни ташкил этди. Ишлаб чиқаришни тинмай такомиллаштириш, янги технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш ҳамда хом ашё таъминотини яхшилаш юзасидан қўрилган чоратадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Бунда таъсисчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб, олиб борган саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Улар барча ташкилий ва техникавий ишларни баҳамжихатликда амалга оширмоқдалар. Юзага келган муаммоларни тез ва соз бартараф этишга эришмоқдалар.

Айниқса, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган гилам тўқиш дастгоҳларини ўрнатишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Уларнинг сони йил сайин кўпайтириляпти. Кейинги икки йил ичида Туркия ва Германияда яратилган қатор шундай иш қуроллари фойдаланишга топширилди. Тўқиш дастгоҳи шу мамлакатлардан келтирилган. Бундан ташқари энг нафис гилам тури «Мадонна» тўқиладиган икки дастгоҳ ҳам ишлаб турибди. Яна иккита «Вандево» гилам тўқийдиган агрегатлар ҳам махсулот тайёрланмоқда.

Шунингдек, олимлаш, ўраш мосламаларидан ҳам фойдаланиляпти. Шундай гилам ва полос тўқишининг барча жараёнлари корхонанинг ўзида амалга оширилмоқда. Унинг жамоаси аъзолари ҳам анча малакали ҳисобланишади, ўзлари танлаган касбларини чуқур эгаллашган ва дастгоҳларни пухта бошқаришади. Ҳар соҳада уларга компьютерлар ёрдам беради. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли кўшма корхонанинг Низом жамғармаси ҳам ортиб бораёпти. У дастлаб 150 минг долларни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб тўрт баробар ошди. Бу ишлаб чиқаришни бир маромда

«ПОЁНДОЗ»:

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Олмаликдаги бу кўшма корхона махсулотлари ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиб бормоқда



олиб боришда катта аҳамият касб этмоқда.

Мавжуд гилам тўқиш дастгоҳлари ёрдами билан бир эмас, балки бир неча турдаги гиламларни ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун уларни қайта созлаш кўп вақтни талаб қилмайди, бу бозор ва буюртмачи талабини ҳисобга олишда жуда қўл келмоқда.

Кўшма корхона жамоаси бозори чакқон бўлган махсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан анча салмоқли ютуқларга эришмоқда. Ҳозирги вақтда ҳар ойда 60 минг квадрат метр гилам, 300 минг квадрат метр полос, 100 минг квадрат метр тафтинг тайёрланмоқда ва мижозларга етказиб берилмоқда. Корхона маъмурияти истиқболга ишонч билан қарамоқда. Харидоргир ва сифатли гилам махсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни мақсад қилиб қўйди.

Чунончи, гилам тайёрлаш ҳажмининг икки баробар, тафтинг ишлаб чиқаришни 1,8 марта ошириш режа-

ланди. Бунга эришиш учун бир нечта янги дастгоҳлар келтирилади. Шу мақсадда Германиядаги «Дило», Англиянинг «Фехер» фирмалари билан келишиб олинди. Корхонада полипропилен толаси ишлаб чиқаришни уюштириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун Эрондан зарур асбоб-ускуналар келтирилади. Натижада хом ашёни маҳаллийлаштириш мумкин бўлади.

Шундай қилиб кўшма корхонада қўшимча 150 та ишчи ўрни яратилади. «Поёндоз» махсулотлари харидорлигининг яна бир муҳим томони бор. Бу ерда асосан полипропилен толаси ишлатилади. Хива, Самарқанддаги турдош корхоналарда эса акрил толасидан фойдаланилади. Бу икки хом ашёнинг нархида катта фарқ бор. Полипропилен толаси акрилга нисбатан деярли уч баробар арзондир. У Эрон ва Туркиядан келтириляпти. Транспорт харажатлари анча кам, бу, албатта, махсулот таннарни ва бозордаги баҳосининг

анча арзон бўлишига олиб келяпти. Энг муҳими, гиламдўзлар ўз махсулотларининг марказига путур етказмасликка, сифатли бўлишига алоҳида эътибор бериляпти. Шу туфайли хориждаги мижозлар ҳам қўпайиб бормоқда. Жорий йилда ҳам қатор чет эллардаги буюртмачилар билан махсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди. Биргина Россияга 700 минг долларлик гилам-полослар юборилади. Украина эса 550 минг долларлик махсулот олади.

«Поёндоз» кўшма корхона жамоаси истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб улуш қўшмоқда. Унинг ҳиссаси янада кўпайиб боради.

Мирсобир
МИРҲАМИДОВ.

СУРАТДА: Олмаликдаги Ўзбекистон-Эрон кўшма корхонаси ишчилари (чапдан) Элла Петрова ва Шаҳодат Машарипова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

мирлаш ҳам мутасаддилар эътиборидан четда қоляпти. Жумладан, 1-, 3- ва 4-кутубхона шохбачалари кейинги ўн йил ичида бирор марта мукамал таъмир у ёқда турсин, ҳаттоки, жорий таъмир ҳам қилинмаган. Учала шохбачини таъмирлаш учун тўрт ярим миллион сўм маблағ керак. Лекин сметада 660 минг сўм маблағ бор. Бу битта шохбачага ҳам етмайди, пича сабр қилиб турсиз энди, дея мутасаддилар бу ишни пайсалга солиб келаяпти.

Янгийўл шаҳар кутубхоналарида амалга оширилаётган ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар, умуман олганда, китобхонларга хизмат доираси кўлами ортаётгани ижобий баҳоланиб, яқинда Бўстонлик туманида бўлиб ўтган «Янги жамят учун янги кутубхона» семинар-тренингда Ўзбекистон Оқик Жамяти институти кўмак жамғармасининг грантини олишга сазовор бўлди. Уларга «Саоп» русумли нусха қўчириш аппарати топширилди.

— Яна бир ниятимиз, — орзу қилад Нарзуллаева. — Замонавий компьютерга эга бўлиб, ноб асарларнинг компьютер жамғармасини барпо этишдан иборат.

Вилоят ҳокимининг «Вилоятда маданият муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши кўп жиҳатдан шу каби муаммолар бартараф этилишига боғлиқ, албатта. Аввало, маданият уйлари, клублар ва кутубхоналар жойлашган биноларни таъмирлаш, бу мақсадлар учун нобият жабжаларни кўпроқ жалб қилиш лозим бўлади. Маданият муассасаларини янгиланиш руҳи қучли ҳодимлар билан тўлдиришга эътибор яна ҳам қучайтирилса, айна мудоао бўлади.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ИЗЛАНИШ БОР, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

лор-этнографик дастасининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Унинг раҳбари Лола Абдуллаеванинг саъй-ҳаракати билан шу қунгача 1 миллион 470 минг сўм маблағ тўпланиб, турли хил декорация ашёлари, буюмлар, қўйлақлар, оёқ қийимлари ва бошқа анжомлар олинди. Аммо, мажкур дастада 52 нафар санъат ихлосманди ижод қиладди. Маданият уйининг мавжуд жиҳозлари билан хаваскорлик дасталарини тўла таъминлаб бўлмайди. Тегилши идора ва ташкилотлар бу ҳусусда муйайян амалий ҳулоса чиқаришса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мустақиллик мафкурасини тарғиб қилишда зиё масканлари — кутубхоналарнинг ўрни катта. Бугун шаҳар ку-

тубхоналарининг умумий китоб жамғармаси 222 минг 800 нусхага етди. Фақат сўнгги пайтлардагина кутубхоналар захираси 541 минг 513 сўмлик янги бадиий ва ижтимоий-сиёсий китоблар билан бойитилди. Шулардан 133 минг 570 сўмлик лотин алифбосида нашр этилган асарлар ташкил

этди. Натижада аҳолининг кутубхоналарга интилиши фаоллашди. Бугунги кунда 23 минг 735 киши бу зиё масканларининг хизматидан фойдаланапти. Китоб айланиши тезлашди. Хар бир китобхона йилга ўртача 20 номдаги китобни олиб ўқимоқда. «Обод маҳалла йили»да маҳалла кўмиталари билан биргаликда китоб тарқатишни яна ҳам кенгайтириш чоралари кўриляпти. Ҳозирчага марказий кутубхона Охунбоев номи маҳаллада, 1- ва 2-кутубхоналар эса, Олтинобод, Нодирабегим номи ва Ишчилар шаҳарчаси маҳаллаларида китоб тарқатиш масканларини ташкил этди. Кекса ва ноғирон китобхоналардан 550 кишининг хонадонига ўқиш учун улар илтимос қил-

Гулнора Эшонкулова. — Китобхоналар қатнови йил бошидан буён 4708 марта ташкил этди. Умумий китоб фондидан ҳозирда 18 минг 171 та етди. Лекин бизда лотин графикасида чоп этилган бадиий адабиётлар, қўланмалар етишмайди. Ҳозир атиги 25 тага яқин шундай китоб мавжуд бўлиб, асосан эртақлардир. Шунинг учун китобсеवारларни дуч келаяпти. Фақат вилоят ва шаҳар газеталарини оламиз. Ўтган йили беш номдаги газета ва уч номдаги журнал олар эдик. Хуллас, кутубхонамизда янги ва лотин графикасидаги адабиётлар билан тўлдиришга эҳтиёж катта.

Кутубхоналар шохбачаларини таъ-

